



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, инвестицион жозибдорликни ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар тизимли асосда амалга оширилмоқда.

Кўзланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан божхона органлари фаолияти самарадорлигига боғлиқ.

Шу билан бирга, божхона маъмуриятчилиги соҳасида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўқсизлик қилувчи бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Амалдаги божхона тартиб-таомиллари халқаро норма ва стандартлар талабларига тўлиқ жавоб бермайди, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ортиқча вақт ва молиявий сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона қонунчилигига риоя этишлари ва ҳалол тадбиркорларни рағбатлантириш, улар учун маъмурий тўсиқларни камайтириш бўйича деярли ҳеч қандай механизмлар қўлланилмапти.

Божхона органларининг самарасиз ва ортиқча назорат функциялари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмоқда.

Божхона органлари ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаслик коррупция ҳолатлари профилактикаси ва бутун тизимнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг:

2019-2020 йилларда «Яллама» ва «С.Нажимов» (Тошкент вилояти), «Дўстлик» (Андижон вилояти), «Олоқ» (Бухоро вилояти);

2020-2021 йилларда «Доут-ота» (Қорақалпоғистон Республикаси), «Маданият» (Андижон вилояти), «Ўзбекистон» (Фарғона вилояти), «Ғиштқўприк» ва «Ойбек» (Тошкент вилояти) божхона постлари ҳудудларига туташ жойларда замонавий божхона терминалларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин;

2. Белгилансинки:

божхона терминалларидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асосий функциялари «ягона дарча» тамоийли асосида божхона, банк, логистика, тезкор-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари божхона терминалларида кўрсатиладиган тижорат хизматларидан ихтиёрий равишда фойдаланадилар.

3. Хавфларни автоматлаштирилган бошқариш тизимига қуйидагиларни қўлланган ҳолда тўлиқ режимда жорий этилсин:

а) 2018 йил 1 декабрдан бошлаб: «сариқ йўлак», бунда божхона декларацияси,

ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасоддий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

«қизил йўлак», бунда божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасоддий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

б) 2019 йил 1 мартдан бошлаб: «яшил йўлак», бунда хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди;

«кўк йўлак», бунда хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасоддий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўн амалга оширилади.

4. Қуйидагилар:

Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ;

чегара божхона постлари ҳудудларига туташ жойларда божхона терминалларини қуриш тармок жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Ариповга – «Йўл харитаси» ва тармок жадвалида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б.Азимовга – «Йўл харитаси» ва тармок жадвалида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва самарали бажарилиши, хавфларни автоматлаштирилган бошқариш тизимини сифатли жорий этиш ҳамда фойдаланиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳокимларига – «Йўл харитаси» ва тармок жадвалида назарда тутилган объектларни қуриш ҳамда ишга тушириш юзасидан зарур рухсат этиш қўриғи ва қўриқларни ўз вақтида расмийлаштириш тизимлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. 2019 йил 1 февралдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган талабларга жавоб берадиган, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалол иштирокчиларига соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ ваколатли иқтисодий операторлари институтининг жорий этилиши;

Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари «Тошкент-АЭРО» иқтисодлаштирилган божхона комплексининг божхона постларида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона юк декларациясини тўлдирish бўйича бепул асосда хизмат кўрсатувчи шахсларнинг махсус гуруҳи – «Фронт-офис» тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича дастлабки лойиҳа (кейинги ўринларда – дастлабки лойиҳа) амалга оширилиши белгилансин.

► Давоми 2-бетда.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

ГАЗЕТА ЎҚИЙДИГАН ОДАМ...

Бу энди ўтган асрнинг 85-90-йилларининг гапи. Ёшлар газетасида ишлардим, жума кuni кечаси навбатчи эдим, икки-учта «мих» материал бор, ҳаёлимда эртага шов-шув бўлади. Саҳифаларни ўқиб бўлиб, уни босмахонага жўнатгач, хотиржам уйга келдим. Эрталаб нонга дўконга чиқсам, унинг ёнидаги газета киоскисидо «очередь». Кизиксиниб сўриштираман, кеча мен навбатчилик қилган газетани айтишди. Хурсанд бўлиб мен ҳам навбатга турдим. Яқинлашганимда, олдинда қаттиқ-қуттук овозлар эшитилди. Билсам, газета тугаб қолибди... Навбатда турганлар норозилик қилишаётган экан. Газета тегмаган бўлса-да, ичимдан гурурланиб нон дўконига кирсам, нон ҳам тугаб қолди. Бозорга қараб чопганим эсимда...

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш Дастурига (кейинги ўринларда — Дастур) мувофиқ янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 53 мингдан зиёд арзон уй-жойлар ва квартиралар қурилди, турар жой шaroитларини яхшилашга муҳтож 65 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, Дастур ижро қилинишини ўрганиш якунлари қишлоқ жойларда арзон уй-жойларга талаб юқори эканлигини кўрсатди, янги-ча ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этадиган уй-жойлар қурилишини ташкил этиш ва муҳтож оилаларни арзон уйлар билан таъминлаш бўйича бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди:

биринчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига кирадиган ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Хусусан, жорий йилда мазкур мақсадлар учун туман ҳокимликлари томонидан ажратилган 1065 гектар ернинг 60 гектарга яқини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига кирди;

иккинчидан, қурилатган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларнинг нархини мақбуллаштириш ҳамда энергия самарадорлиги ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда меъморий ва техник ечимларни қўллаш етарли даражада таъминланмаётти;

учинчидан, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишида ўзаро уйғунлик таъминланмаётгани натижасида республика бюджет, мақсадли жамғармалар ва ижроичилар маблағлари ортиқча сарф қилинмоқда;

тўртинчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуришда шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларини бузиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатсиз бажариш, лойиҳадан четга чиқish ҳолатлари мавжуд.

Арзон уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли пунктларининг муҳандислик-транспорт коммуникацияларини ва инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини тўлиқ қондириш мақсадида:

1. Қуйидагилар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш ва муҳтож оилаларни арзон уй-жой билан таъминлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

уй-жойларни ҳудудий оптимал жойлаштириш

ҳамда улар учун фақат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифаларига кирмайдиган ер участкаларини тақдим этиш ҳисобига ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

кам таъминланган ва уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун мўлжалланган арзон уй-жойлар қуриш қўламини кенгайтириш;

уй-жойларнинг нархини пасайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида меъморий ва техник ечимларни мақбуллаштириш, маҳаллий қурилиш материаллари, ускуналар ва замонавий деворбоп материалларни кенг қўллашни назарда тутувчи янги намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш;

уй-жойларни тақдим этишда манзилчилик, шаффофлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш таъминларини инобатга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчиларнинг турмуш шaroитларини яхшилаш ва уй-жойга муҳтож оилаларнинг эҳтиёжини қондириш;

муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилишини «Обод қишлоқ» дастури билан ўзаро уйғунликда ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ жойларда самарали канализация тизимларини жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг Дастур доирасида, 2019 йилдан бошлаб қуйидаги янги намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар (кейинги ўринларда — арзон уй-жойлар) қурилиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган ҳудудларда 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёна-ён қуриладиган) арзон уйлар;

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳоли зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда тўрт қаватли арзон кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар;

шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари (кейинги ўринларда — фуқароларнинг алоҳида тоифалари) учун беш қаватли арзон кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар.

Бунда бўш ер участкалари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида арзон кўп квартиралар уйлари қуриш йўли бўларда жойлашган яроқсиз уй-жойлар, бино ва иншоотларни бузиш ҳисобига бўшаган ҳудудларда қизилки-қаторли кўринишда жойлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

«Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ томонидан маҳаллий қурилиш материаллари, ускуналар ва замонавий деворбоп материаллардан кенг фой-

даланган ҳолда барпо этиладиган ва қишлоқ шaroитига мослаштирилган арзон кўп квартиралар уйлари (ёрдамчи иншоотлар ва ҳовли қурилмалари билан биргаликда) намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда маркашлашган канализация, газ ва иссиқлик таъминоти тизимлари билан таъминланмайдиган арзон кўп квартиралар уйлари учун мўлжалланган локал оқова сув тозалаш иншоотлари ва қаттиқ ёқилғида ишловчи энергия самарадор иситиш қозонлари жорий этилмоқда;

арзон уй-жойлар, шунингдек, ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти иншоотлари ва тармоклари ҳамда йўллар (цемент-бетон қопламали) қурилиши бўйича бюрократича этиб «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ, бош лойиҳачи этиб эса «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ белгиланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Қишлоқ қурилиш инвест ИК» МЧЖ, ишторик этувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2019-2020 йилларда қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши бўйича йилга кўрсаткичлар 1 ва 1.1-иловаларга мувофиқ;

2019-2020 йилларда қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қурилиши бўйича асосий параметрлар 2 ва 2.1-иловаларга мувофиқ;

2019-2020 йилларда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун арзон кўп квартиралар уйлари қурилиши бўйича асосий параметрлар 3 ва 3.1-иловаларга мувофиқ;

2019-2020 йилларда арзон уй-жой мас-сивларига ташқи муҳандислик тармоклари, иншоотлари ва транспорт коммуникациялари қурилиши бўйича йилга кўрсаткичлар 4 ва 4.1-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 июлига қадар арзон уй-жойлар қурилиши мониторинги бўйича ахборот тизимини (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ишлаб чиқин ва таътиқ қилсин, ушбу тизим уй-жой қурувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар учун Интернет тармоғида реал вақт режимида қуйидагилар тўғрисида ахборот олиш имкониятини таъминлайди:

► Давоми 2-бетда.

ОБУНА — 2019



Санжар ШОТЎЛДАН АНОВ олган сурат.

16 НАФАР ПАРТИЯДОШИМИЗ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЙИЛЛИК ОБУНА БЎЛДИ

Тарихий ўзгариш ва оламшумул ривожланишлар даврида яша-ямиз. Бу жараёнларда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Сийсий партия ташкилоти, аъзолари учун эса, албатта, партия матбуоти алоҳида аҳамиятга эга. Шундай экан, сафдошларимиз, фаоллар ва депутатларимиз биринчи навбатда партияимиз нашрларига обуна бўлишлари мақсадга мувофиқ. Бу борала Музработ туман тиббиёт бирлашмаси кўпчиликлка ўрناق бўлмоқда.

— Бугун нафақат туман ва шаҳар марказлари, балки чекка манзилларда ҳам хайрли ишлар амалга ошириляпти, — дейди Музработ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни

саклаш аълочиси, ЎзХДП аъзоси Рустам Одинаев. — Вилоят марказидан 50-55 километр олин-да жойлашган ҳудудда қисқа даврда қатор тиббиёт муассасалари капитал таъмирланди. 14 та қишлоқ врачлик пункти ўрнида

битта қишлоқ врачлик пункти ҳамда олтита қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил қилин-ди. Уларга Россия, Хитой ва бош-қа хорижий мамлакатлардан за-монавий асбоб-ускуналар келти-рилди. Яқин-яқингача автотран-спорт воситаларига эҳтиёж се-зиларди. Бугунги кунда эса 10 та тез тиббий ёрдам машинаси-дан фойдаланаямиз.

— Электротаримиз вакиллари-ни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга қулай шaroитлар яратиш бугуннинг устувор вазифаси, — деди тиббиёт бирлашмасида-

ги ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти етакчиси Азамат Бекбоев. — Туманимиздаги тиббиёт ходимларининг 300 на-фардан ортигини ЎзХДП аъзола-ри ташкил қилади. Ўтган йили эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган 170 нафарга яқин кишига ногиронлик аравачалари, тиббий жиҳозлар, эшитиш мосламалари, қўлтиктаёқлар олиб берилди. Жо-рий йилнинг ўтган 9 ойи мобай-нида эса 100 нафардан ортиқ электрот вакилларига 220 мил-лион сўмлик совғалар улашилди. Кейинги икки йилда 300 га яқин бепул йўлланмалар берилди.

Тиббиёт соҳасидаги бу исло-хотлар, янгилıklar «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида мунтазам равишда ёритиб келинмоқда. Партияимиз нашрлари бизга яқин қўлқамчи ва маслакдош бўлмоқда. Газетлар-даги танқидий-таҳлилий чиқиш-лар, партиядошларимизнинг та-шаббуслари ва турли мавзулар-даги мақолалар манзур бўляпти. Шуларни инобатга олган ҳолда, 16 нафар партиядошимиз яқинда севимли нашримиз — «Ўзбекистон овози»га йиллик обу-на бўлди. 4 нафар сафдошимиз эса «Голос Узбекистана» газе-тасига обуна бўлмоқчи. Ташаббуси-мизни қўллаб-қувватловчилар қўяйишига ишонаман...

— Худудда 2 минг 246 нафар аъзони бирлаштирган 42 та бош-ланғич партия ташкилоти фаоли-ят кўрсатмоқда, — дейди Ўзбе-кистон ХДП Музработ туман ке-нгаши раиси Панкис Норматов. — Шу йилнинг ўзида яна ўн та бош-ланғич партия ташкилоти ташкил қилиниб, 200 га яқин фаол ва та-шаббускор йигит-қизлар сафи-мизга қўшилди. Бошланғич та-ш-килотларимизда ҳам обуна та-ш-кил этиш ниятидамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУАММОЛАРГА ТАЪҚИҚЛАР ОРҚАЛИ
ЕЧИМ ТОПИБ БЎЛАДИМИ?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Зулайхо АКРАМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш мақсадида қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Айрим тадбиркорлик субъектлари но-

турар объектлар қуриш учун ажратилган ер участкаларидан фойдаланишда лоқайдликка йўл қўймоқда. Уларга нисбатан талабнинг кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки «ерни олдим, қолгани бир гап бўлар», деган бўлмағур кайфиятда юрган тадбирлар сабаб қўллаб иш ўринлари яратилмасдан қолмоқда. Бу партияимизнинг Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларга ҳам зид ҳисобланади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан нотурар объектлар қуриш учун ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш мuddати уч йилдан икки йилгача қисқартирилади. Бу тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини оширишга туртки беради.



Санабар ШОТЎРАМАНОВ оғлан суратлар

Бунёд ЭШОНҚУЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Жойларга чиққанимизда мазкур масалада турли саволлар билан муножаатлар бўлмоқда. Масалан, ўрганишлар олиб боришганда бир неча йил олдин ер сотиб олинганга қарамадан, ундан самарали фойдаланилмасликлари кузатилади. Иморат қўтариш учун бетон қуйилган, бироқ объектлар ва субъектлар сабабларга қўра қуриш хали бошланган ёки чала қолган. Суриштирилганда маблаг йўқлиги ёхуд белгиланган маблаг етиб келмаётгани маълум бўлмоқда. Демак, тадбиркорлик учун ажратилган ер майдони бўш ётибди, одамларга иш ўрни яратилмапти, режадаги ишлар низоҳасига етказилмаган.

Бунда биргина тадбиркорни жавобгар,

дейиш нотўғри бўлади. Чунки маҳаллий давлат бoshкаруви органлари таркибидан ҳам ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашадиган, ишнинг сунъий равишда пайсалга соладиган шахслар йўқ эмас. Натижада тадбиркор ва унга ваъда қилинган ер бир неча кишининг ўртасида сарсон бўлмоқда. Бундан ташқари, қачонлардир ер сотиб олиб, фундамент қўтариб қўйганлар ҳам бор. Айримлари дамаблаг етарли бўлмаса, ерни пуллаш илминикида ишни қўзғаб, қўйганлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Қонун лойиҳасидаги меъёрлар ҳам томонлама пухта ўйланган бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайман. Қад рoстлаётган объектининг катта-кичик-

лиги, бино қуриш талабларидан келиб чиқиб, мuddат белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, аҳолига қулайлик яратиш ўрнига, ўз ишни бошламоқчи бўлганлар олдида тўсиқ қўйилиши мумкин. Айтайлик, 9 қаватли бино қураётган тадбиркор икки йилда ишнинг якунламаса, ер қайтариб олинади. Ишни тезроқ тугатиш эса лойиҳа сифатида таъсир қилиши турган гап. Бундай ҳолатда иморатни бузишга тўғри келади? Фикримча, ҳар бир жиҳат инобатга олиниб, лойиҳа такомиллаштирилиши, баъзи масалаларга ойдинлик киритилиши керак.

Муҳокамадан сўнг битта қарши овоз билан қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 170-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Шухрат МАМАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Прокуратура органлари томонидан валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва профилактикаси борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Соҳада қонунни қўллаш амалиёти тизимли равишда таҳлил қилинмоқда. Шунга қарамадан фуқаролар томонидан валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар кузатишмоқда. Бу эса жавобгарликни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Лойиҳада қонун талабларини бузган ҳар икки томон, яъни сотувчи ҳам, олувчи ҳам жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Бу — яхши. Лекин аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун шароитлар етарлими? Биз аввал шу саволга жавоб топишимиз керак эмасми? Кимдир яқинини зудлик билан даволаш ёки опе-

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун шароитлар етарлими? Биз аввал шу саволга жавоб топишимиз керак эмасми?

рация қилиш учун чет элга кетиши керак бўлиб қолди, дейлик. Банкдан қарточка очдириб, унга валюта тушишини кутиб туришга ўша инсонда вақт етарли бўлмаса нима бўлади? Бундай ҳолда, муҳтож инсон қонунни бузаётгани, жавобгарликка тортилишини билса ҳам қора бозордан фойдаланишга мажбур бўлиб қолмайдими?.. Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун мавжуд талабга яраша шароит ва имконият яратиш зарур.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам асосий муҳокама қилинди.

Унга қўра Давлат бюджетининг ижро этилиши билан боғлиқ маълумотлар, бюджет харажатларини режалаштириш, шакллантириш ҳамда ижро этишга оид маълумотлар давлат ҳокимияти ва бoshкаруви органлари расмий веб-сайтларида жойлаштириши мажбурийлиги белгиланмоқда. Бу борада хориж тажрибасидан ўрнак олиш кераклиги таъкидланди.

Қонун лойиҳалари концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
КҮН ОЛДИДАН

Тарихда шундай кунлар, воқеалар борки, авлодлар хотирасидан ўчмайди. Инсоннинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоя этилган тарихий ҳужжат қабул қилинган кун ана шундай унутилмас саналардан ҳисобланади. 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Конституциямиз ривожланган, тараққий топган демократик давлатларнинг тарихий таърибаси ва жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган. Асосий қонунимиз БМТ ҳужжатлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига асосланади.

МУҚАДДАС
ҲУЖЖАТ

Конституция халқимизнинг истиклол ва озодлик учун олиб борган машаққатли кураши натижаси, миллий манфаатларимиз ва интилишларимизга асосланган, халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан қиёсланган муҳим манбадир. Бу муқаддас ҳужжат орқали Ўзбекистон бутун дунёга инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини расман эълон қилди. Шу дақиқадан эътиборан халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўз миллий бойликларига ўзи эгаллик қилиши муҳрлаб қўйилди.

Ўтган йиллар мобайнида Бош қонунимиз халқимизни эзгу мақсадлар теварагида бирлаштирди, синовлардан ўтишимизда руҳий ва маънавий мадад бўлди.

Конституциянинг 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», деб белгиланди, ижтимоий таъминотга муҳтож қатлам ҳимояси кафолатланди. Шу тамойилларга мувофиқ

«Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, кекса ёшдаги фуқароларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг миллий модели шаклланишига асос бўлди.

«Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағмармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ногиронлиги бўлган шахс-

ларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонлари мазкур йўналишдаги ислохотларни янги поғонага кўтарди. Шу ислохотлар натижасида мамлакатимизда ўртача умр кўриш давомийлиги ва кекса ёшдаги одамлар улуши ошди.

Конституциямизнинг ҳар бир моддаси асосида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида узоқ гапириш мумкин, албатта. Ўтган давр ичида юртимиз қиёфасига эътибор бериб, балки юртдошларимизнинг турмуш тарзи, тафаккури, дунёқарши ҳам тубдан ўзгарди. Хуриқ хавосидан баҳра олиб ўсган авлод шаклланди. Энди Ўзбек халқи мураккаб глобаллашув шароитида дунё ахли билан барабар қадам ташлашга қодир миллатга айланди. Натижада Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида нуфузи орди, шон-шуврати юксалди, мустақиллигининг сиёсий ва иқтисодий негизи мус-

Мухтасар айтганда, улкан меҳнатлар, машаққатлар эъзига яратилган Бош қонунимиз нафақат демократик тараққиётимизнинг кафолати, балки ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган улкан ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Нўмон АКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ, ДАСТЛАБКИ САБОҚЛАР

Миришкор туманида аччиқ қалампирни йиғиб олиш якунланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январда қабул қилинган «Республикада хориж таърибаси асосида аччиқ қалампир етиштириши қўлайлиги чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосан, 6 ҳудудда — Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарь, Бухоро, Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларида бу ўсимлиқни етиштириш белгилаб берилган эди. Қашқадарь воҳасида 4,5-5 минг гектар ерда қалампир ўсимлиги ўстирилган бўлса, шундан 3000 гектари «Brand Investment Group» компаниялар гуруҳининг вилоятда тузилган «Big Agro» масъулияти чекланган жамиятига тегишли эди. Қарши даштидаги Миришкор туманида эса энг кўп майдонда қалампир етиштирилди. 2000 гектар ердан ҳосилни йиғиб экспортга жўнатиш бошлангани ҳақида газетамизнинг 91-сонида «Аччиқ қалампир жаҳон бозоридан» мақоласи чоп этилган эди. Бугун аччиқ ишлар ҳақида фикр юритамиз.

Дехқон учун осон йилнинг ўзи йўқ, мушкуллар қалайиш келавари. Бу йил энг катта муаммо сув танқислиги бўлди. Бу икки йилдан буён воҳада пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Миришкор туманида ҳам яққол сезилди. Туманда дон етиштириш ва давлатга сотиш режалари ошиғи билан удаланди. Бирок 10 минг гектар майдонда кластер усулида пахта етиштирган сармоядор — тадбиркорлар иши унчалик унмади. Ҳосилдорлик қозғаларда қайд этилган рақамларга етмади. Агротехникада ҳам хатоларга йўл қўйилди. Натижада бу хатолар ялпи хирмонга таъсир қилди ва туманининг пахта сотиш режасини кейинга тортиди. Ҳа, бу — ер билан ишлашнинг янги усуллари қўллашда илмий асослар, деҳқончиликнинг узоқ йиллиқ таърибасига таяниш лозимлигини исботлайдиган аччиқ сабоқдор...

Аммо янги ўсимлик бўлсада, қалампирдан мўл ҳосил етиштирил-

ди. Хориждан маҳсулот хариди учун келган айрим тадбиркор-хамкорларимизнинг фикрларини олдинги рақамларимизда эълон қилган эдик. Хиндистон давлатидан келтирилган қалампирнинг «живало» ва «каян» навлари чиндан серхосил экан. Терим ҳам намунали бошланди. Теримчиларга бир кило ўсимлик меваси учун минг сўмдан ҳақ тўлаб берилди. Натижада бир кунда 50-60, ҳатто 80-90 кило қалампир терилган бўлди. Дастлаб терилган маҳсулотлар ҳам экспортга жўнатилиди.

— Терим бошлангандаёқ хамкорларимизнинг бюртмаларини бажаришга киришгандик, — дейди «Big Agro» МЧЖнинг экспорт бўлими бошлиғи Бобур Абдумавлонов. — Россия давлатидан келган сармоядорлар бир неча юк машинасида қалампирнинг хом мевасидан олиб кетишди. Пишган ҳосилни БАА, Туркия, Польша, Германия каби давлатларга экспорт қилдик. Ҳисоб-китоблар давом этаёпти, ҳали анча

ҳосилимиз далада...

Бобуржонни тушундим, йиғим-теримга анча кеч киришилганди. Шунинг учун октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошларида тушган қаттиқ совуқ қалампир ўсимлигининг ҳали хом мевасидан анчасини уриб кетди. Ўсимлик буталари барг ташлаб, қовжираб қолди. Аммо туман ҳокимлиги ва МЧЖ мутасаддилари зудлик билан керакли чораларни қўришди. Ўсимлик қарчоққа қилиниб, даладан йиғиштириб олина бошланди.

Мен чўлга етиб келганимда, кун тиккага келган, осмонда тўда-тўда булутлар сузиб юрар, далада иш қизгин эди. Айтишларича 100 дан ортиқ трактор ёрдамида ўрилган қалампир поялари даладан олиб чиқилиб, аҳоли хонадонларига етказилган эди. Одамлар тоза пишган, қипқизил меваларни териб, ҳар қилосини 1000 сўмдан топшираётган экан.

— Сиз тракторларнинг ёқилғисини узлуқсиз таъминлаган. Сиз эса маҳаллалар билан кимнинг хонадонига қанча қалампир навдаси тўкиб

берилганини ҳисоблаб чиқинг, — дея ходимларига кўрсатма берарди МЧЖ раҳбари, сармоядор ва тадбиркор Шухрат Хуррамов. Сўнгра у менга юзланди: — Вилоятнинг деярли ҳамма туманида қалампир ўстирилган, аммо энг кўпи — 2 минг гектари Миришкор туманида. Воҳадаги жами 3 минг гектар майдондаги ҳосилга биз масъулмиз. Нега шошиб қолдик? Нега анча ҳосилни бой бериб қўйдик? Бугун ана шу саволларга жавоб беришимиз керак. Биринчидан, ташкилотимизга кредит беришни кечиктиришди. Иккинчидан, Хиндистон давлатидан ўсимлик уруғини кеч олиб келиб, кеч эдик. Учинчидан, бу йил совуқ бунчалик эрта тушиши ва ҳали пишмаган қалампир меваларини уруб кетишини ҳеч ким кутмаганди. Агар нихолларни апрель ойининг бошида экганимизда, пишган ҳосилни октябрь ойи охиригача йиғиб олган бўлардик. Бу бизга аччиқ сабоқ бўлди. Бироқ далададаги ҳосилнинг қолган қисmini сақлаб қолишга уринаймиз.

— Мен Қашқадарь вилоятида 20 йилдан буён деҳқончилик қилиб ке-

ламан, — дейди Наманган вилоятидан келган ва қалампир экилган 150 гектар майдоннинг иш бошқарувчиси Фарход Раимқулов. — Тўғриси, қаттиқ меҳнат қилинди. Яхши ҳосил етиштириб, анчасини экспортга жўнатиб. Қаранг, далаларимизда тўда-тўда ўрилган қалампир поялари қовжираб ётибди, аммо қипқизил бўлиб пишган мевасини совуқ уролмади.

Дарҳақиқат, миришкорликлар катта меҳнат эъзига етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш ва совуқ урмаган қизил қалампир меваларини териб олишга ҳаракат қилишмоқда. Бир кекса аёл шундай деди: «Эрим автохалокат туфайли ҳалок бўлган, 6 нафар қизни ўстиряпман. Пахта териб, 9 миллион сўм даромад эдик. Фарзандларим қалампир ўсимлигини ўстиришда ҳам меҳнат қилишди. Совуқ эрта тушиб, анча ҳосил нобуд бўлганига роса ачиндик. Энди қолганини сақлаб қолиш керак. Майли, бизнинг ҳовлимизга 10 «тележка» ўрилган қалампирни тўкиб беришин, пишганини саралаб топширамиз. Буни кўпга келган тўй дейдилар...»

Мен Гулистон қишлоғида «Саторов Урол» фермер хўжалигининг ишчиси Гулнора Худойбердиева ва бошқа кишиларнинг хонадонларида қовжираган буталардан қизил мевани териб олиш жадал кетаётганини кўрдим. Мутахассисларнинг айтишича, терилган қизил қалампир тумандаги автохалокатнинг ҳовлиси, бош пиллаҳона ва бошқа жой-

ларда сараланиб, кейин Қарши шаҳридаги цехга етказилади. Цехда қуртилган қалампир меваси экспортга жўнатилади.

Маълумки, шу йилнинг май ойида туманда эрчани қарам ҳам етиштирилиб, 500 тоннага яқин ҳосил Россия давлатига экспорт қилинган эди. Далага чиқсак, МЧЖ агрономи Абдухалиқ Восиков раҳбарлигида 100 гектар жойдаги гулқарам нихоллари устини плёнка билан ўраш қизгин давом этаётган экан. Гулистон қишлоғидан келиб ишлаётган Гулноза Пардаева, Дилбар Тوشмурадова ва бошқалар қалампир ўсимлигини экиш, ўстиришда иштирок этишгани, мана, энди қарам етиштиришда қатнашаётгани, иш ҳақларини олишаётгани ҳақида гапириб беришди.

МЧЖнинг экспорт бўлими раҳбари Бобур Абдумавлонов хорижга маҳсулот жўнатиш ҳақида гапирар экан, «шафран» ўсимлигини ҳам тилга олди. Бу ноёб ўсимлик уруғини Бобуржоннинг ўзи Голландия давлатига бериб олиб келибди. Нави — «Negine» деб аталаркан. Ўсимлиқнинг пийзидан ўсиб чиққан уч экспортга жўнатилади, унинг 3 грами жаҳон бозорига 150 доллардан кам турмас экан. Ундан ноёб дори-дармонлар тайёрланаркан. Бу йил Ташкент вилоятида етиштирилган «шафран» ўсимлиги чет эллик ҳамкорларга жўнатилади.

Хуллас, Қарши қўлидаги Миришкор тумани ерларида турли-туман экин экиб, мўл ҳосил олиб, четга экспорт қилиш осон кечмаяпти. Лекин одамлар ўз меҳнатлари рохатини ҳам қўришмоқда, туманининг иқтисодий қуввати ошмоқда, имкониятлари кенгаймоқда.

Юнус УЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУҲИМ МАСАЛА

Тошкентда бўлиб ўтган «Спорт тиббиётининг долзарб муаммо ва истиқболлари» номли халқаро илмий-амалий конференцияда Россия, Япония, Туркия, Беларусь, Қозоғистон каби давлатлардан келган таниқли спорт шифокорлари, спорт тиббиёти бўйича мамлакатимизнинг етакчи мутахассислари иштирок этди.

СПОРТ ТИББИЁТИГА ЭЪТИБОР



Конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи — россиялик мутахассислар Самарқандга ҳам таширф буюришди. Улар иштирокида Самарқанд давлат тиббиёт институтида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Самарқанд тиббиёт институти ректори, профессор Азамат Шамсиев конференцияни очаркан, спорт тиббиётини ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан эканини таъкидлади.

Республика спорт тиббиёти илмий-амалий Маркази, Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур конференцияда спортнинг тиббий-биологик таъминоти, спортчиларнинг функционал диагностикаси, диетология, фармакология ҳамда спорт тиббиётининг бошқа муҳим йўналишлари ҳақидаги муҳим масалалар муҳокама қилинди. Анжуманда иштирокчи спорт шифокорлари, жумладан, спорт федерациялари, клублари ва спорт мактабларида фаолият кўрсатаётган спорт врачлари, СамДТИ профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Анжуманда томонлар спорт тиббиёти ва тиббий реабилитация соҳасида маънафатли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишиб олдилар.

Конференция иштирокчилари кун тартибидagi долзарб масалалар ҳақида шундай фикр юритишди:

Борис Поляев, МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари спорт тиббиёти шифокорлари ассоциацияси президенти, профессор:

— Спорт тиббиётининг долзарб муаммо ва истиқболларига бағишланган бундай халқаро илмий-амалий анжуман Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилаётган. Бу Ўзбекистоннинг спорт тиббиётини давомлатишга шунчаки томошабин эмаслигини, муҳим масалалар муҳокамасида анча фаоллигини кўрсатади. Бугун бутун дунёда спорт тиббиётининг муаммолар, уларни бартараф этиш, спортчиларнинг мусобақалар жараёнида жароҳат олишларини камайтириш, турли шикастланишларнинг олдини олиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Бу борада МДХ ва Болтиқбўйи давлатларида бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистонда ҳам

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун газеталар иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда қолди. Кейинги узоқ йиллар ичида бундай ҳолга тушмаганди.

ГАЗЕТА ЎҚИЙДИГАН ОДАМ...

Гарчи ҳозир газета киоскалари олдида илгаридай наватлар бўлмаса-да, ҳар бир дўкончининг доимий миқдори бор. Уйимиз ёнидаги дўкончи, масалан, «Китоб дунёси» газетасини олмас экан. Ҳозир мен учун бир дона олади. Чорсу бозорида «Тим»нинг тагида ҳам бир дўконча бор. Унда кекса онахон ҳам менга газеталар йиғиб қўяди. Йўлим тушганда биратўла оламан.

Бу гаплар бугунги «қўл телефон» замонида бироз ғалати ҳам туюлиши мумкин. Лекин телефондаги гаплар асосан олди-қонди, узук-юлуқ, убу ҳодисаларга шахсий муносабатлар, ҳолос. «Бозорчи хотинларнинг гапи» деган умумий баҳо атрафидаги гаплар. Газетанинг ўзини ўқиш аввало кишига бошқача руҳ бағишлайди. Масалаларга вазмин-босик ёндашиш, ўйлаш, ҳулоса ясаш, ҳуллас, фикрлашга ўргатади.

Умуман, одамлар менинг назаримда, икки тоифага бўлинади: газета ўқийдиганлар ва ўқимайдиганлар. Кўп кузатганман, ўқийдиганлар мушоҳадали, мустақил фикр бўлади, масалаларга «бозор миқёсида» эмас, кенгрок даражада муносабат билдиради. Ватанпарварроқ, ижтимоийроқ десам, балки баландпарвоз гапга ўшаб кетар, лекин улар аслида ҳам шундай одамлар.

Бугун газеталар иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда қолди. Кейинги узоқ йиллар ичида бундай ҳолга тушмаганди. Менимча, унинг биринчи сабаби ҳозир айримлар томонидан «мажбурий обун» деб айтадиган, аслида жомаларга керакли нашрлар бўйича обуначилар қатлами шакл-

лантирилган эди. Масалан, бир мактаб бир нусха «Маърифат» газетасига обун бўлишни мажбурий деб бўлади-ми? Ўз қўлига ўралашиб, «дунё беҳабар» бўлиб, ёш авлодга фақат дарсликнинг ўзини ўқитиб яшаб бўлмайди-ку. Жисмоний тарбия муассасалари «Спорт» газетасини, қишлоқ хўжалик ходимлари «Қишлоқ ҳаёти»ни ўқимаса, илғор тажрибалар, технологиялар, инновацияларни қаердан ўрганади? Ҳар бир фермер хўжалиги ўз соҳаси наشرларини олмаса, ўқимаса, ўрганмаса, ўзича солиштирмаса, четдан келган махсусларни «еб» юраверамизми?

Эхтиросларга берилмай, билиб-билмай гапиришдан ўзимизни тийишимиз керак. Аввало ўзимизга ўзимиз савол бериб кўрайлик: охириги марта қачон газета ўқиганимиз? Газета нимагини яхши биламизми? Билмасак, бу ҳақда ақл ўргатишга маънавий ҳаққимиз борми?... Ҳар бир соҳа вакили ўз касбига дахлдор газета-журналларга обун бўлса, доим ўқиб, ўрганиб борса, ҳуқуқий, сиёсий билими ошади, ўз касби бўйича янгилик ва тажрибалардан хабардор бўлади.

Бундан ташқари, оддий ишчи, тадбиркор, врач, ўқитувчи, олим, ҳуқуқшунос парламент ва сиёсий партияларга ҳаётдан хабардор бўлса, бунинг нимаси ёмон? Ёки «Адабиёт ва санъат» газетасини ўқиса, зиён қўрадимиз?..

Иккинчи масала — газета сотиш, тарқатиш тизимини тубдан янгилаш керак. Уларда ҳамон сақиб, тарок совун каби махсуслашган кўпроқ, Супермаркетларда, гипермаркетларда бир нечта олифта, ялтироқ муқовали чет эл журналлари туради, ҳолос. Агар мен қайси дўконга кирсам,



доимий ўқийдиган газета-журналларим бўлса, жон деб оламан. Дейлик, тиббиёт муассасаларида марказий ва албатта тармоқ наشرлари бўлса, бунинг нимаси ёмон?

Асли Киргизистоннинг Наманган вилоятига чегарадош туманиданман, қишлоққа борсам, албатта, ўзим ўқиб бўлган газета-журнал, китобларни олиб кетаман, (совға ўрнига ўтади), ҳамма хурсанд, ҳатто талаб бўлиб кетади. Охун Бойқонов деган ака бор, чегаралар очилгандан бери Ўзбекистонда чиқадиган янги газета-журналлардан хабардор бўлиб, олиб келиб, устига бир сўм-ярим сўм қўйиб сотади. «Очереди» бўлиб кетади. Ҳатто буюртмалар қабул қилади.

«Матбуот ўладими?» деган миш-мишлар кўпайиб қолди. Бир пайтлар «адабиёт ўладими?» деб Шўкур Холмиев деган бонг урган эди. Мана, ҳудода шўкур, адабиётимиз янги, жўшқин паллага кирди. Мат-

буот ҳам шу, у ҳам янада юксалиш йўлларида чиқиб олади. Бу ўринда эҳтимол муассас масъулиятини ошириш, дўстлик клублари, ҳомийлар масаласини ўйлаб кўриш керакдир. Ижтимоий ҳимоя, имтиёзлар қайта кўрилар... Аммо мақолалар нечоғли долзарб, ҳаётий, «ўқувчи шунини ўқийдими?» деган савол устида журналистлар каттироқ ўйлаш керак. Партия газеталари саҳифаларининг тенг ярми, балки ундан кўпроги партия ташкилотлари қандай тадбир, мажлис ўтказганини ёзиш шартми? Партиявий ишларга бағишланиш тўғрими? Фақат охириги бир-икки саҳифагина умум ўқувчига мос гаплар, ҳолос. Газета саҳифаларининг 50 фоизи партия тадбирлари бўлса, ўша партия аъзоларининг ҳаммаси ўз эътиқоди доирасида обун бўлсин. Агар улар ҳақиқий аъзо бўлса, албатта, ўз наشريга обун бўлиши керак-ку?... Ушанда пар-

тия наشرлари 100 минг нусхадан ҳам ошиб кетади. Сиёсий партия аъзолари ўз наشريга обун бўлмаслигини қандай тушуниш керак?..

Матбуотнинг энг асосий хомашеси — қоғоз. Табиийки, у мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайди. Яқин-яқингача давлат босмахоналарига четдан қоғоз сотиб олишда муайян имтиёзлар бор эди, конвертация очилган, улар ҳам бозор нархида қоғоз ёки бошқа матбаа хомашёларини сотиб оладиган бўлишди. Бу ҳам газетга таннари ва обунасига ўз таъсирини сездиради.

Болаларнинг наشرлари «Тонг юлдузи», «Гулхан», «Фунча»да нима гаплар экан? Ҳеч шубҳасиз, болалар тарбиясида, фикрлашида, яна боя айтганим ватанпарвар, фаол бўлишида бу наشرларнинг ўрни катта. Ҳар бир ўқувчи биттасига обун бўлишни ташкил этиш..., балки қийин бўлса, 4-5 таси бир бўлиб, бу ишни қилса, мактабда ундан барча баҳра олса қандай яхши. Ва бунинг нимаси мажбурий обун, балки эҳтиёжий обунадир бу. Кунин кеча набарам 25 минг пул сўради. Синфи билан телеминорага боришаркан. Балки бу ҳам керакдир. Кўради, тафаккур қилади, осмонга қиналашади. Лекин бир синфдан шунчадан пул йиғилса, болалар наشرларига бемалол обун бўлса бўлади. Бунинг нимаси мажбурий обун?

Обунани тарғиб қилиш, уюштириш, хонадонларга газета-журналлар кириб келиши нимани аңлатади? Бундан фойдаими, зарарми? Ўқимагандан кўра, ўқиган яхши эмасми?..

Ахбор АҲМЕДОВ,
журналист.

ГАЗЕТАХОНЛАР ШИКОЯТИ

ВАЪДАНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?..

Қўшқўпир тумани Қатағон қишлоғидаги «Баратлар» маҳалласида 1968 йилда қурилган 120 ўринли богча-ясли туманидаги дастлабки мактабгача болалар муассасаларида биринчи. Мана, орадан 50 йил ўтди. Шу даврда богча-ясли 20 мартадан кўп таъмирланди. Лекин унга олиб борадиган йўлни шу пайтгача ҳеч бўлмаса бир марта таъмирлаш раҳбарлар эсига тушмади. Бу қадим йўлни икки марта экскаватор билан қазиб, қувур ташлашни билишди-ю, қазилган ерни қўмишни хонадон эгалари зиммасига ташлашди. Богча ва мактаб йўли ниҳоят ҳароб аҳволга тушиб қолганига анча йил бўлди. Бу эса нафақат йўловчиларнинг, шу кўчада яшовчиларнинг ҳам жонига тегиб кетди. Қишлоқда ягона бўлган богча ва ўрта мактабга автомобилларида қатновчилар ҳамда фарзандларини яёв олиб келиб, олиб кетадиган ота-оналар шу йўлдан юради. Қишлоқнинг «шоҳ кўчаси» бўлган бу йўлда чанг ва лой, уйимчуқурлар ниҳоятда кўпайиб кетган. Қор, ёғимда мактаб ва богчага борувчи ўқувчиларнинг аҳволини кўриб, раҳминг келади. Шу атрафда яшовчилар узоқ йиллардан буён мактаб ва богча йўлини таъмирлаб беришларини сўраб, мутасадди ташкилотларга оғзаки ва ёзма равишда мурожаат қилавериш чарчашган. Натижа эса йўқ!.. Натижа аслида бор, лекин бу ерда «йўли» бўлаётир.

2013 йилдан бошлаб бу муаммо ҳал қилинишини сўраб, кўп жойларга ёзилди. Олдинига мурожаатлар домдаракисиз кетди, кейингиларида онда-сонда жавоб хатлар олина бошланди. Бу хатларда фактлар тасдиқланганлиги, келгуси йилда бу йўлни таъмирлаш албатта, давлат дастурига киритилиши ваъда қилинди.

— Арзимизни тинглайдиган мард бор экан, деб ўйладим. Менинг ўзим бу мавзуда уч марта юқорига ёзганман, — дейди шу кўчада яшовчи Ж.Авезов.

— Дастлаб мактаб йўлининг 20 метрча қисмига тош тўшалиб, асфальт қилинди-ю, кейин йўл қувурчилар бошқа кўчаларга бурилиб кетишди, ҳамма ҳайрон. Кейин маълум бўлдики, бурилган кўчаларнинг бошида туман йўл

Бир ойдан кейин С.Юсуповнинг Президент девонига ёзган жавобининг нусхаси мурожаатчиларга ҳам келди. Унда мактаб ва богча атрафи йўллари 2018 йил давлат дастурига албатта киритилиши ёзилган. Худди шу мазмундаги хат Хоразм вилояти автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Ф.Солаев томонидан Республика автомобил йўллари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Назаровга ва Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Ш.Абдуллаевга ҳамда мурожаатчиларга келди. Бу орада С.Юсупов ҳокимликдан кетди. Туман йўл идораси мутасаддилари назорат йўқлигидан фойдаланишди. Давлат дастурига киритилган «Баратлар» маҳалласидаги йўл ўрнига «Араблар» маҳалласида туман йўл идораси амалдорларидан бири Д.Сапаров яшайдиган кўчага тош тўкишди.

— Шу йил июнь ойида 3-мактабда бўлган қабул пайтида бу масалани кўтардик. Туман йўл идораси бошлиғи Э.Умиров «Сизларнинг кўча дастурида бор, иккинчи ярим йилликда бошлаймиз», деди. Биз ишондик, аммо яна

алдашди. Шу орада маҳалла раиси Д.Рўзметов яшайдиган кўчага тош тўшадилар. Бунга зарурият ҳам йўқ эди, қатнов ҳам деярли йўқ. Дастурга «мактаб ва богча кўчаси» деб кирган ҳолда «Араблар» маҳалласи кўчаларига тош тўшалиши нима сабабдан бўлди? Ахир, «Араблар» маҳалласида мактаб ҳам, богча ҳам йўқ. Давлат дастурига кириб, тасдиқланган ишни ўзгартиришга кимнинг ҳаққи бор!!! Бу иш тегишли органларга ҳавола.

Ҳўш, Президент Девонига ва мурожаатчиларга ваъда берган ҳоким ишдан кетган экан, унинг ўринбосарлари қаерда қолди? Ўзининг юқори ташкилотига ваъда бериб қўйган вилоят автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Ф.Солаев қаерга қараяпти? У нега туман йўл идорасининг бошлиғи Э.Умировнинг ўзбошимчилигига йўл қўйиб, жим ўтирибди? Шунча ёзишмаларга қарамайдан Э.Умиров туман ҳокимига мурожаатлар бўйича жавоб хатига «Фуқаро Р.Холлиев ўз тушунириш хатида мурожаатини ўрганиш натижасидан қониқиб қўйди»,

деб нотўғри маълумот берган, аслида йўл идорасидан бир киз келиб, ҳеч нима ёзилмаган оқ қоғозга алдаб ёзма чектириб кетган ва уёғини ўзи тўлдирган. Бу ҳам Э.Умиров хўйласи бўлса керак.

Яна юқорига ёзилди, бу мурожаат бўйича текширувчилар келганида мурожаатчилар тўлиқ тўпланишди. Улар ҳам оқ қоғозга имзо чектиришди бўлганларидан мурожаатчилар бир овоздан рад қилишди. Кейин бу мурожаат жавобсиз қолди. (Балки юқорига яна ёлгон жавоб ёзилганми?) Таҳлилларга кўра, мурожаат асосида дастурига киритилган йўлни таъмирлаш ишлари туман ҳокимлари ўзгарган пайтга тўғри келаяпти. Вилоят бош бошқармаси бошлиғи Ф.Солаев ҳам бу йўл 2019 йил дастурига киритилиши керак, деб энди мужмалроқ жавоб бериб қўйибди. Туманининг ҳозирги ҳокими Ж.Раҳимов эса «Ойдин» ва «Нурхат» кўчалари (биз шикоят қилаётган кўчалар ҳозир шундай номланди) 2019 йил режасига киритилди, деб мурожаатчиларга ва Президент Девонига хат бериб қўйибди. Олдинги ҳокимлар ҳам худди шу мазмунда хат беришганди...

Ж.Раҳимов қатъиятли, чаққонгина йигитга ўхшайди. Айтиш-айтинг, бахтимизга ваъда амалга оширилмагандан пайтда бу ҳоким ҳам алмашмасинда, акс ҳолда пайт пойлаб ётган йўл идораси амалдорлари йўл таъмирлаш ишларини ўзларининг кўчасига буриб юбориши ҳеч гап эмас.

Умид НОРИМОВ,
Эркин ЭРМАТОВ,
Шоназар ХОЛЛИЕВ,
Одилбек ЮСУПОВ
ва бошқалар.
Қўшқўпир тумани.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 71 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 71 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 71 233-38-55, 71 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1138. 6523 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'z'a yakuni — 21:05.

Topshirilgan vaqti — 23:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchi:

Zafar BAKIROV

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010763008

Gazetaning elektron sahfasi uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5